

Globe
EDIT



Хушнуда Самигова · Баходир Холиқов

Мулоқот санъати асослари

(Диалогик риторика ва гендер
муаммоси)

Хушнуда Самигова
Баходир Холиқов

Мулоқот санъати асослари
(Диалогик ригорика ва гендер муаммоси)

FOR AUTHOR USE ONLY

Globe Edit

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the OmniScriptum S.R.L

Publishing group

str. A. Russo 15, of. 61, Chisinau-2068, Republic of Moldova Europe

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-0-62704-9

Copyright © Хушнулла Самирова, Баходир Холиқов

Copyright © 2021 Dodo Books Indian Ocean Ltd., member of the

OmniScriptum S.R.L. Publishing group

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA
MAXSUS TA'FLIM VAZIRLIGI**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Х. Б. САМИГОВА
Б. А. ХОЛИКОВ**

МУЛОКОТ САЊАТИ АСОСЛАРИ
(Диалогик риторика ва гендер муаммоси)

ТОШКЕНТ – 2021

Самигова Х. Б., Холиков Б.А. Мулоқот санъати асослари
(Диалогик риторика ва гендер муаммоси)

Тошкент, 2021, 224бет.

Монография бир-бирига қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тилларида риториканинг гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган. Ундан “Нутқ маданияти асослари”, “Таржимашунослик”, “Чет тили (инглиз тили)” фанларидан маъруза ва семинарлар олиб боришда, магистрлик диссертациялари ва малакавий битирув ишлари ёзишда, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Такризчилар:

Ф.ф.д., проф. О. Ахмедов
Ф.ф.д., доц. Г. Эргашева
Ф.ф.н., доц. Ш. Юсупова

Монография Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети
Илмий-техник Кенгашининг 2021 йил 26 июндаги 7-сонли мажлисида
нашрга тавсия этилган.

Тошкент, 2021.

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида нутқ маданияти даврлар ўтса ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган мавзулардан бири ҳисобланади. Ҳозирда умумжаҳон миқёсида турли тилларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши, халқаро алоқаларнинг ўрнатилиши нутқ маданиятига бўлган эътиборнинг кучайишига ва кишилар нутқ маданиятини хар қачонгидан ҳам яхшироқ ривожлантиришга бўлган талабни юзага келтирди. Бугунги кунда тақомиллашиб бораётган тил ва маданият, тил ҳамда жамият билан боғлиқ бўлган соҳалардаги илмий изланишлар ҳам айнан нутқ маданиятининг турли аспектларини бир-бирига қардош бўлган ва бўлмаган тиллар доирасида кенг қиррали таҳлил қилинишини тақозо этмоқда.

Муस्ताқилликнинг дастлабки йилларидаюқ мамлакатимизда турли тилларда мустақил ҳамда теран фикрлаш қобилитига эга бўлган, ўз фикрини аниқ ва равшан ифода эга оладиган барқамол авлодни тарбиялашга бўлган диққат-эътибор янада кучайди. Ҳозирги кунда юқори билим, маданият ва маънавиятга эга кадрларнинг янги авлодини тайёрлашнинг ечимини топишда самарали натижаларга эришилди. Ёшларимизда нутқ маданиятининг юксаклиги, сўзамоллик, жамоатчилик олдида нутқ сўзлай олиш каби ҳислатларни янада шакллантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар нутқ маданияти аспектларини турли тиллар доирасида чоғиштирма таҳлилни амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Республикаимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг олиб борилиши, жумладан, «...рухий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга бўлган ёшларни тарбиялаш»¹га қаратилган стратегик вазифалар ҳам нутқ маданияти мавзуси доирасида чуқур изланишлар олиб борилишини талаб қилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси туғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. – № 28 (6722).